

O'zbekiston Respublikasi  
Samarqand viloyati  
Xalq Deputatlari  
Qo'shrabot tuman  
Kengashi  
**QARORI**



**РЕШЕНИЕ**  
Кушрабадский районный  
Кенгаш народных  
депутатов  
Самаркандской области  
Республики Узбекистан

2020 йил 10 июль

№ 29-7-сон

ш. Қўшработ

**Қўшработ туманида янги “Тинчлик” маҳалласини  
ташкил этиш тўғрисида**

Халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси туман ҳокимининг “Бозоржой” маҳалласи таркибидан янги “Тинчлик” маҳалласини ташкил этиш тўғрисидаги таклифини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни қайд этади.

“Бозоржой” маҳалласида 1248 та оила яшайди. Унинг таркибидаги Саксончел қишлоғи маҳалла марказидан 8-9 км узоқликда жойлашган бўлиб, ҳозирда ушбу қишлоқдаги 574 та оилада 2295 нафар аҳоли истиқомат қилади.

“Бозоржой” маҳалла фуқаролар йиғини Кенгашининг маҳалла таркибидан янги “Тинчлик” маҳалласини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи, маҳалла фуқаролар йиғинининг қарори асосида ушбу маҳалла фуқаролар йиғинининг туман ҳокимиغا илтимосномаси киритилди ҳамда мазкур илтимоснома Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш масалалари бўйича туман комиссияси томонидан маъқулланиб, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги топономик объектларга ном қўйиш комиссиясининг йиғилиш баёни билан ижобий хулоса берилди, туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими томонидан янги ташкил этиладиган маҳалланинг ҳудуди чизмалари белгиланди.

“Бозоржой” маҳалла фуқаролар йиғинининг маҳалла таркибидан янги “Тинчлик” маҳалласини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сон қарори билан тасдиқланган Шаҳарлар, посёлкалар ва овуллардаги маҳаллаларни бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги Низом талабларига тўлиқ мос келади.

Халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси туман ҳокимининг “Бозоржой” маҳалласи таркибидан янги “Тинчлик” маҳалласини ташкил

этиш тўғрисидаги таклифига асосан ушбу ҳудудда яшовчи аҳолининг талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Туман ҳоқими Х.Оқбутаевнинг “Бозоржой” маҳалласи таркибидан янги “Тинчлик” маҳалласини ташкил этиш тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳоқимининг “Бозоржой” маҳалласи таркибидан янги “Тинчлик” маҳалласини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. “Бозоржой” маҳалласи ҳудудидаги 574 та оила ва 2295 нафар аҳолиси бўлган Саксончел қишлоғини ўз ичига олувчи “Тинчлик” маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилсин.

4. Янгидан ташкил этилган “Тинчлик” маҳалласининг чегараларини акс эттирган ва тавсифлаган ҳудуди чизмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Янгидан ташкил этилган “Тинчлик” маҳалла фуқаролар йиғинига бино ажратиш ва маҳалла фуқаролар йиғини таркибини шакллантиришга қонун ҳужжатлари талаблари асосида амалий ёрдам қилиш туман ҳокимлигидан сўралсин.

6. “Тинчлик” маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилиши муносабати билан маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги оила (хўжалик)лар сонини ҳисобга олган ҳолда барча молиявий (штат бирликлари, моддий ёрдам, болалар нафақалари ва бошқа) ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш туман Молия бўлими (А.Холматов) зиммасига юклансин.

7. Янгидан ташкил этилган “Тинчлик” маҳалла фуқаролар йиғинига муҳр ва тамға тайёрлашга руҳсат бериш туман Ички ишлар бўлими (З.Сувонкулов)дан сўралсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига Географик объектларнинг номлари давлат реестрига киритиш учун маҳаллага ном бериш тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар юборилсин.

9. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳоқимининг ўринбосари М.Шамсиева ва халқ депутатлари туман Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси А.Тўхтаровлар зиммасига юклансин.

Кенгаш раиси



Х.Оқбутаев